

Ким гуноҳларни тарк қилмаса, хавф қилувчи эмас | Тазкия дарслари (241-дарс)



ТАЗКИЯ
241-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Руҳий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

19:00 / 06.08.2023 1579

Руҳий тарбия соҳасида бу икки сифат деярли доимо бирга зикр қилиб келинган. Баъзи ҳолатларда иккисини бир нарса деб тушунилгани ҳам мулоҳаза қилинади.

Биз ўзимиз ўрганиб қолган услубга биноан, аввал бу икки сифатнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини, улар ҳақида келган оят, ҳадис ва асарларни ҳамда уларнинг фойдаларини алоҳида ўрганиб олиб, сўнгра бошқа масалаларга ўтаимиз.

«Хавф» сўзи араб тилида «қўрқиш» ва «чўчиш» деган маъноларни англатади. Хавфни Аллоҳ таолога нисбат берилганда, яъни «Аллоҳдан хавфи бор» деганда, арслон ёки бошқа шунга ўхшаш нарсдан даҳшатга тушиш англамайди. Балки маъсиятлардан ўзини тортиш ва тоатларни ихтиёр қилиш тушунилади. Шунинг учун ҳам «Ким гуноҳларни тарк қилмаса, хавф қилувчи эмасдир», дейилган.

Уламоларимиз ўз назарларидан келиб чиқиб, хавфни турлича таърифлаганлар:

Роғиб: «Хавф гумон қилинган ёки маълум нарсанинг аломатидан бирор кор-ҳол юз беришини кутишдир. У омонликнинг тескарисидир. Бу нарса дунёвий ва ухровий нарсаларда бир хил», деган.

Журжоний: «Хавф ёмон кўрилган нарсанинг келишини ёки яхши кўрилган нарсанинг зое бўлишини кутишдир».

Яна бир гапга қараганда: «Хавф – қўрқинчли нарсани эслаш оқибатида қалбнинг изтиробга тушиб ҳаракатланишидир».

Бошқа бир гапга биноан: «Хавф – етадиган ёмонликдан ёки йўқоладиган яхшиликдан қалбнинг чўчишидир».

Хавф олий мақомотлардан биридир. У иймон учун лозим бўлган нарсалардандир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг кўпгина оятларида мўминларнинг хавфини мадҳ қилган.

Масалан, Оли Имрон сурасида Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади:

مُؤْمِنِينَ كُنْتُمْ إِنْ وَخَافُونَ تَخَافُوهُمْ فَلَا

«Бас, агар мўмин бўлсангиз, улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар» (175-оят).

Айнан шу хитоб Моида сурасида ҳам баён қилинган:

وَأَخْشَوْنَ النَّكَاسَ تَخْشَوُا فَلَا

«Одамлардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар» (44-оят).

Ва яна Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилиб айтади:

الْعُلَمَاءُ عِبَادِهِ مِنَ اللَّهِ يَخْشَىٰ إِنَّمَا

«Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар» (28-оят).

Аллоҳ таолонинг қудратини ҳис этиб, махлуқотлардан ибрат олиб, уларнинг яратувчиси борлигини англаб етиб, ақли билан Аллоҳни топган ва Ундан қўрққан одамгина олим ҳисобланади.

Аммо мазкур махлуқотларнинг тарихи, тузилиши, таркибидаги моддалари, хусусиятлари ва бошқа турли маълумотларни тўлиқ ўрганиб чиқиб ҳам яратган Зотни – Аллоҳни танимаган ва Ундан қўрқмаган одам ўта жоҳил ҳисобланади.

Абдуллоҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо:

«Илм гапнинг кўплигида эмас. Илм қўрқишнинг кўплигидир», деган эканлар.

Имом Ҳасан Басрий розияллоҳу анҳу:

«Олим Аллоҳдан ғойибона қўрққан одамдир. Аллоҳ қизиқтирган нарсага қизиққан, Аллоҳ ёмон кўрган нарсадан қочган одамдир», дея туриб, «Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар» оятини тиловат қилар эканлар.

Шунингдек, Аллоҳ таоло фаришталарнинг хавфини ҳам мадҳ қилган:

Аллоҳ таоло Наҳл сурасида бу ҳақда шундай деб марҳамат қилади:

يُؤْمِرُونَ مَا وَيَفْعَلُونَ فَوْقَهُمْ مِّن رَّبِّهِمْ يَخَافُونَ

«Улар устиларидаги Роббларидан қўрқурлар ва ўзларига амр қилинган нарсаларни қилурлар» (50-оят).

Аллоҳ таоло анбиёларнинг хавфини ҳам мадҳ қилган.

Аҳзоб сурасида бу ҳақда қуйидаги оят нозил бўлган:

إِلَّا أَحَدًا يَخْشَوْنَ وَلَا وَيَخْشَوْنَهُ، اللَّهُ رَسَلَتْ يَبْلُغُونَ الَّذِينَ

حَسِيبًا بِاللَّهِ وَكَفَى اللَّهُ ۞

«Улар Аллоҳнинг рисолатларини етказадиган, Ундангина қўрқадиган, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайдиганлардир» (39-оят).

Аллоҳ таоло Тавба сурасида яна шундай деб марҳамат қилади:

وَالْيَوْمِ بِاللَّهِ ءَامِنٌ مِّنَ اللَّهِ مَسْجِدَ يَعْمُرُ إِنَّمَا

إِلَّا يَخْشَى وَلَمْ الزَّكَاةَ وَعَاتَى الصَّلَاةَ وَأَقَامَ ۞ الْآخِرِ

﴿۱۸﴾ الْمُهْتَدِينَ مِنْ يَكُونُوا أَنْ أُؤْتِيكَ فَعَسَىٰ اللَّهُ

«Албатта, Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлар, намозни тўқис адо этганлар, закот берганлар ва Аллоҳдан бошқадан қўрқмаганларгина обод қилурлар. Ажаб эмаски, ана ўшалар ҳидоят топувчилардан бўлсалар» (18-оят).

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳам айнан мана шундай хавф – исломий хавф мадҳ этилган.

يَلْصِقُ بِبَنِي إِسْرَائِيلَ
أَمْ أَلْصِقُ مِلْسًا وَهِيَ لَهَا
هَلْ لَمْ كَأَشْخَالٍ يَنْبِهَا هَلْ لَهَا
مُؤْصَا يَنْكَلُ وَهَلْ مُكَاقَاتًا
دُقْرًا وَيَلْصِقًا وَرُطْفًا
بِعَرْنَمٍ ، عَاسِنًا لِحُجْرَتًا
«يَنْمَسِي لَفِي تَنْسِنَعِ
يَسْنِنًا وَنَاخِي شِلْ هَاوَرِ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлинг! Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳдан энг кўп қўрқадиганингизман, Унга энг кўп тақво қиладиганингизман. Аммо рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам. Аёлларни никоҳимга ҳам оламан. Ким менинг суннатимга рағбат қилмаса, мендан эмас», дедилар».

Икки шайх ва Насоий ривоят қилишган.

هَلَلَا يَلِصُّ بِبَنِي نَعْنَعٍ وَ
عَبَسَ «لَأَقْمِلَسُوهُ لِي
مَوْيِهِ لِي فِي هَلَلَا مُهْلِطِي
مَامِإِلَا: هَلِظْ أَلِإِلِظْ أَلِ
يَفْ أَشَنْ بِأَشْوُ، لِدَاعُ لَا
هُبْلَقْ لُجَرَوُ، هِبَرِة دَابِع
نَالُجَرَوُ، دِجَاسَمُ لَا يَفْ قَلَعُم
أَعَمَتْ جَاهَلَلَا يَفْ أَبَا حَات
لُجَرَوُ، هَيْلَعِ أَقْرَفَاتٍ وَ هَيْلَعِ

بِصْنَمُتْ أَذْءَ أَرْمَأْ هَتْ بَلَطِ
هَلَلْ أْفَآخِ أَيْنِإِ: لَأَقَفِ لْأَمْجَوِ
أَلِ يَّتَحِ يَفْخِ أَقْءَصَتْ لُجَرَوِ
قْفَنْتْ أَمْ هَلْ أَمْ شَمَلُغَتْ
هَلَلْ أَرْكَذْ لُجَرَوِ، هُنِي مِي
هَأَوْرِ. «هَأَنْيَعُ تَضَافَ أَيْ لَأَخِ
دُوَادِ أَبَا أَلِ إِءَسْمَخِ لَأِ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ етти кишини Ўз соясидан бошқа соя йўқ Кунда соясига олур: одил имом, ўз Робби ибодатида ўсган ёш, қалби масжидларга боғлиқ киши, Аллоҳ йўлида бир-бирини яхши кўриб, Аллоҳ учун жам бўлиб, Аллоҳ учун ажрашадиган икки киши, мансаб ва жамол эгаси бўлган аёл ўзига чақирганда «Мен Аллоҳдан қўрқаман», деган одам, садақани махфий қилиб, ҳатто чап қўли ўнг қўли қилган нафақани билмай қолган одам ва Аллоҳни холи қолиб эслаганда кўзидан ёш оққан одам», дедилар».

Бешовлридан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Аллоҳ таолодан қўрқиб, ўз шаҳватидан кечиш улкан фазилатдир. Гуноҳ ишдан қўрқиб, ўзини четга олиш, охират азобидан қўрқиб, ўзининг оний лаззатидан воз кечиш катта жасоратдир. Аллоҳ таоло бундай бандани муносиб равишда мукофотлайди. Мансаб ва жамол эгаси бўлган аёл ўзига

чақириб турганда, унинг чақириғига рад жавоб беришга фақатгина Аллоҳ таолодан қўрқиш моне бўлади.

Аллоҳ таоло Ўзи учун кечилган оний ҳаром лаззатни жаннатдаги доимий ҳалол лаззатга алмаштиради. Мазкур қаҳрамонликни қилган одамни аввало қиёмат куни Ўз соясига олади.

Биз мусулмонлар бу ишни қилишга тайёр бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда тарбияламоғимиз зарур.

Гуноҳ ишни қилишга қодир бўлиб турганда Аллоҳдан қўрқиб, У Зотнинг розилигини истаб, уни тарк этиш ҳам солиҳ амаллардан ҳисобланар экан.

Аллоҳдан қўрқиб, қилмоқчи бўлиб турган гуноҳидан шу қўрқув туфайли қайтган банда нафақат охират савобига, балки бу дунёнинг яхшиликларига ҳам эришар экан. Банданинг ихлос билан ёмонликни тарк этиши Аллоҳ таоло унинг бошидан мусибатни кўтаришига сабаб бўлар экан.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди